

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

**Таҳрир ҳайъати**

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

**Таҳририят кенгаши**

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳ:** Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фаргона,  
2021.**

<b>М.Исамиддинов</b> Қадимги Фарғона ва Суғд кулолчилигини ўрганишнинг айрим долзарб масалаларига доир .....	72
<b>Б.Усмонов</b> Фарғона водийси Темурийлар даври тарихининг жаҳон темурунослигида ўрганилиши .....	77
<b>Лианг Юн, Н.Камбаров</b> Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари .....	81
<b>О.Пуговкина</b> Туркистонда 1917 йил февраль инқилоби: Туркистонда “собик” империя амалдорларига бўлган ижтимоий эҳтиёж ва уларнинг сиёсий фаоллиги .....	90
<b>А.Ўткиров</b> Хайрия ва ҳомийлик феномени илмий-назарий таҳлили .....	98
<b>С.Ҳақимова</b> XIX-XX аср боши тарихий манбаларида Ўзбекистон ҳудудидаги сув ҳавзаларига оид маълумотлар .....	103
<b>С.Анаркулов</b> Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг этник тарихи ва таркиби хусусида.....	110

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>З.Қобилова, Н.Турсунова</b> Татаббулар силсиласи.....	118
<b>П.Туропова</b> Услуб жилолари ёхуд адиб маҳорати .....	123
<b>Д.Ғуломов</b> Ретроспектив сюжет хусусида айрим мулоҳазалар .....	128
<b>М.Маҳмудова</b> Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги даврида сув иншоотлари ва боғдорчилик санъати.....	134

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>Р.Сайфуллаева, Н.Ғайбуллаева</b> Тиббий эвфемизмларнинг социал хосланиши .....	138
<b>Т.Эназаров, С.Ғаниева</b> Инглиз ва ўзбек тиллардаги аёллар исмларининг келиб чиқиши тарихидан .....	145
<b>М.Мамажонов</b> Антропонимларни дискурс релеванти сифатида тадқиқ этишнинг лингво-этномаданий асослари .....	150
<b>Ж.Абдуллаев</b> Тил қурилишининг асосий бирликлари академик Азим Ҳожиёв талқинида .....	155
<b>Д.Собирова</b> Ўзбек болалар шеърояти морфопоэтикаси .....	160
<b>Д.Шокирова, Ш.Шокиров</b> Инглиз тилида “property-мулк” концепти тадқиқи.....	164
<b>Н.Абдурахмонова</b> Ўзбек тили электрон корпуси учун матнлар репрезентативлиги масаласи .....	169
<b>А.Мусоева</b> Self-нинг Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилиши билан боғлиқ муаммолар.....	174

УДК: 811.512.133` .373.23` 42

ЛИНГВО-ЭТНОКУЛЬТУРНЫЕ ОСНОВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ АНТРОПОНИМОВ  
В КАЧЕСТВЕ РЕЛЕВАНТА ДИСКУРСА

АНТРОПОНИМЛАРНИ ДИСКУРС РЕЛЕВАНТИ СИФАТИДА ТАДҚИҚ  
ЭТИШНИНГ ЛИНГВО-ЭТНОМАДАНИЙ АСОСЛАРИ

LINGUO-ETHNOCULTURAL BASES OF THE RESEARCH OF ANTRONYMS  
AS THE DISCOURSE RELEVANCE

Мамажонов Муҳаммаджон Юсубжонович<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Мамажонов Муҳаммаджон Юсубжонович – Фарғона давлат университети, тилшунослик кафедраси мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

**Аннотация**

Мақолада дискурс, релевант тушунчаларига оид қарашлар баён этилган ҳамда антропонимларнинг дискурс релеванти сифатида тадқиқ этишнинг лингво-этномаданий жиҳатлари асосланган.

**Аннотация**

В данной статье представлены взгляды на понятие релевантности в дискурсе, также обоснованы лингво-этнокультурные свойства изучения антропонимов в качестве релеванта дискурса.

**Annotation**

This paper presents views on the concepts of discourse relevance, and is based on the linguo-ethnocultural aspects of the study of anthroponyms as discourse relevant.

**Таянч сўз ва иборалар:** дискурс, релевант, антропоним, дискурс интерпретацияси, дискурсив таҳлил, адресат, адресант, этномаданий майдон.

**Ключевые слова и выражения:** дискурс, релевант, антропоним, интерпретация дискурса, дискурсивный анализ, адресат, адресант, этнокультурное пространство.

**Keywords and expressions:** discourse, relevant, anthroponym, interpretation of discourse, discursive analysis, addresser, addressee, ethnocultural space.

Маълумки, дунё тилшунослигида матнга дастлаб семантик ва синтактик нуқтаи назардан ёндашилган бўлса, XXI аср бошларидан матнни лингвокультурологик, социолингвистик, психолингвистик, прагматик ва когнитив тадқиқ этишга бўлган эътибор кучайди. Натижада матнга фақат семантик-синтактик жиҳатдан ўзаро муносабатга киришувчи гаплар йиғиндиси эмас, балки ўзида маълум бир тил эгаларининг борлиқ ҳақидаги билимлари, тафаккури, миллий-маданий дунёқараши ва менталитетини акс эттирувчи, социал қимматга эга бўлган мулоқот шакли сифатида қарала бошланди. Тилимизда ана шундай янги йўналишларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши структурализмнинг тилни тадқиқ этишдаги “ўзида ва ўзи учун” тамойилини четга

суриб, асосий эътиборни шахс омилига қаратди [1, 64].

Дунё тилшунослигида прагмалингвистика, дискурсив таҳлил, когнитив тилшунослик, лингвокультурология каби соҳаларнинг юзага келиши ва ривожланиши нутқий жараённинг лисоний ифодаси бўлган матн яратилиши ҳодисасининг талқинида ҳам муҳим илмий қарашлар пайдо бўлишига олиб келди. Хусусан, мураккаб ва серқирра ҳодиса ҳисобланган матн тадқиқида сўзловчи – матн – тингловчидан иборат учлик асосий объект бўлиши лозимлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан таъкидланди [2, 72-81]. Матн тадқиқи бундай ёндашув антропонимларнинг нутқий жараёндаги энг фаол луғавий бирлик сифатидаги аҳамиятини тўлиқ очиб беради. Антропонимлар матнда нафақат нутқий

## ТИЛШУНОСЛИК

адресатга ишора қилади, балки унга адресант муносабатини ҳам ифодалайди. Бу эса бугунги кунда дискурснинг назарий таҳлилига янгича ёндашувларни янада кучайтириш заруриятини юзага келтиради.

XX асрнинг сўнгги чорагидан жаҳон тилшунослигида лисоний фаолият маҳсули бўлган ҳар қандай нутқий тузилмани уни яратувчи шахс – муаллиф ва реципиент мулоқоти нуқтаи назаридан тадқиқ этишга катта эътибор қаратила бошланди. Нутқий тузилмани мулоқот жараёни сифатида ўрганиш дискурс тушунчасининг юзага келишига сабаб бўлди [3, 16]. Ўтган асрнинг 50-йилларида америкалик тилшунос Зеллиг Харрис томонидан биринчи марта қўлланилган **дискурс** термини бугунги кунда тилшуносликнинг марказий масалаларидан, асосий тушунчаларидан бири бўлган нутқий жараён маъносини ифодаловчи ҳодисани англатмоқда. **Дискурс** (фр. *discours*, ингл. *discourse*, лот. *discursus* – орқага чопиш, ҳаракат, айланиш, суҳбат, гаплашиш, яъни нутқ, нутқ фаолияти, сўзлашиш усули) термини жаҳон тилшунослигида сўнгги ўн йилликда жуда кенг қўлланилиб, бир неча маънода талқин қилинмоқда. Мазкур термин дастлаб боғланма (боғли) матн тушунчасини ифодалаган бўлса, кейинчалик суҳбат, диалог тушунчаларига нисбатан ҳам қўлланила бошланди [4, 467].

Машҳур англиз олими Т.А. ван Дейк **дискурс** терминини таърифлар экан, унинг кенг маънода нутқий жараёнда вербал ва новербал воситалар ёрдамида юзага чиқувчи сўзловчи ҳамда тингловчи ўртасидаги ўзаро мунозара эканлигини таъкидлайди. Тор маънода эса коммуникатив жараённинг тугалланган ёки давом этаётган “ҳосила”си, яъни оғзаки ёки ёзма шаклдаги контекст (нутқ) эканлигини уқтиради [5, 117].

Замонавий тилшуносликда “дискурс” терминини “матн” атамасига яқин ёки айнан тушуниш ҳолатлари мавжуд. Бироқ “дискурс” атамаси остида нутқий мулоқотнинг даврга нисбатан динамик ўзгариши тушунилса, “матн” бунга қарама-қарши равишда нутқий фаолиятнинг натижасини ифодалайди.

Баъзан эса дискурс тушунчасига нисбатан “боғланган матн” атамаси ҳам қўлланилади. Бироқ ҳар қандай матн боғланган бўлиши инobatга олинса, дискурсга нисбатан бундай атаманинг ишлатилиши ўзини оқламайди. Чунки дискурснинг тузилиши таркиби ўзаро оппозицияда бўлган сўзловчи ва адресат мавжудлигини тақозо этади.

Бу борада тадқиқотчи Л.Раупованинг “Диалогик нутқнинг дискурсив талқини” номли монографиясида (Тошкент, 2011) “дискурс” термини кенг ва атрофлича таърифланганлигини кўриш мумкин: “Дискурс фикрни баён қилиш жараёни, лисоний имкониятларнинг ёзма ёки оғзаки моддий воқеланиши, лисоний ва нолисоний воситаларнинг биргаликда ишлатилиши, лингво-этно-психоситуацион омиллар мажмуи. Дискурс турли лисоний ва нолисоний омиллар бутунлигидан ҳосил бўлган ўзига хос мураккаб бир тизим, системадир. Дискурс – лисоний ва нолисоний омиллар (прагматик, ижтимоий-маданий, руҳий) билан биргаликдаги матн; воқеа кечиши нуқтаи назаридан қаралаётган матн; мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида қараладиган нутқ. Дискурс лисоннинг яратувчанлик соҳаси (намунаси), ўз навбатида, туғилган ғоя, коммуникатив мақсад (интенция) натижасидир. Дискурс матнга нисбатан номоддий объект саналади” [6, 178]. Кўринадики, тадқиқотчи Л.Раупова дискурс ва матн тушунчаларини аниқ фарқлайди, уларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беради. Демак, дискурс номоддий объект саналар экан, матн моддий объект сифатида нутқ бирлиги ҳисобланади.

Шунингдек, Г.Тоирова дискурс структураси ҳақида фикр юритар экан, унинг таркибий қисмлари сифатида *дискурс жараёни иштирокчилари(1); дискурс воситаси бўлган умумий тил, лисоний вербал омиллар(2); дискурс учун умумий бўлган новербал ва фонацион омиллар(3); дискурсив мақсад(4); дискурсив ҳолат(5)* кабиларни эътироф этади [7, 10].

Агар дискурс тушунчаси сўзловчи ва адресант муносабатини тақозо этиши

инобатга олинса, уларнинг рухий-психологик ҳолатини ҳам дискурс структураси таркибига киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки дискурс тушунчаси асосини ташкил этувчи сўзловчи ва адресантнинг рухий-психологик ҳолати бутун нутқ жараёнига ва унда фойдаланилувчи вербал ва новербал воситаларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Мазкур термин остида ҳозирги кунда экстралингвистик, хусусан, психологик, ижтимоий ва шахс онги билан боғлиқ омилларни мужассам этган нутқ тушунчасини англаш тенденцияси кенгайиб бормоқда [8, 7]. Шунинг билан бирга, **дискурс** термини ифодалаган ҳодисани соф тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиб бўлмаслиги, бунда психология, гносеология, жамиятшунослик, фалсафа, когнитология каби бир неча фанларнинг ҳамкорлиги тақозо этилиши ҳаммага маълум. *Дискурс* тушунчаси ҳозирги даврда шиддат билан содир бўлаётган фанлар интеграциясини ўзида яққол намоён этади. У тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа, тарих, социология, антропология, педагогика, сиёсатшунослик каби фан соҳаларининг ҳар бирида махсус дефиницияга эга бўлиши билан бирга, бугунги кунда янги йўналишлардан бирига айланган *дискурсив таҳлил*нинг ҳам марказий муаммолари сирасига киради.

Релевант сўзининг ўзаги *реле* (электр занжирини улайдиган ва узадиган асбоб, автомат рубильник) бўлиб [9, 352], О.С.Ахманова томонидан *тил бирликларини фарқлаш, мулоқот воситаси* маъноларида ҳам қўлланилиши таъкидлаб ўтилган [10, 383]. Биз ҳам тадқиқот ишимизда ушбу терминни айнан мана шу маънода қўллашни лозим топдик. Демак, тадқиқ этилаётган антропонимларнинг нутқ релеванти сифатидаги белгилари, уларнинг мулоқот воситаси, ўзи номлаётган объектни фарқлашлик хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Бугунга қадар яратилган, юқорида номлари қайд этилган тадқиқотларда антропонимлар дискурс релеванти, мулоқот воситаси, занжири сифатида ўрганилмаган, уларнинг

социал, яъни фарқлаш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилмаган эди.

Д.Худойбердиеванинг таъкидлашича, ўзбек тилшунослигига дискурсив таҳлил ва когнитив тилшунослик соҳалари эндигина кириб келмоқда [3, 19]. К.Ф.Седовнинг фикрига кўра, дискурсив фаолият жараёнини ўрганмасдан туриб, дискурс ҳодисасини тушунтириб бўлмайди. Дискурсив фаолият – нутқ яратиш ва уни идрок этиш жараёнидир [8, 19]. Бинобарин, ушбу жараён нутқ яратувчи – адресант ва уни қабул қилувчи – адресат шахси билан узвий боғлиқдир. Бу ўринда дискурсив таҳлил психоллингвистика, социоллингвистика, когнитив лингвистиканинг бир нуқтада кесишишини тақозо этади. Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, масалага бундай ёндашув, биринчидан, нутқий курилмани *дискурсив таҳлил* деб номланган фанлар чорраҳасида ўрганиш имконини берса, иккинчидан, дискурс релеванти бўлган антропонимларнинг мулоқот жараёнида тутган ўрнини антропоцентриқ нуқтаи назардан тадқиқ этишга шароит яратади.

Бугунги кунда дискурсив таҳлилнинг бир неча йўналишлари мавжуд бўлиб [3, 18], улардан бири дискурс интерпретациясидир. Дискурс интерпретацияси нутқ тузилмасини “ичдан” туриб таҳлил этувчи, когнитив тилшунослик билан узвийликка эга бўлган таҳлил кўринишларидан биридир. Дискурсив таҳлил тадқиқотчидан ҳам муаллиф нуқтаи назарини, ҳам ўқувчи нуқтаи назарини эътиборга олишни талаб қилади [3, 18]. Бу фикрнинг антропонимлар билан бевосита боғлиқ томони шундаки, адресант (номловчи ҳар қандай шахс: ота-она, адиб, шоир, драматург...) объект (чақалоқ, персонаж)га исм танлар, мурожаат қилар экан, ўзи ҳам билган ва билмаган ҳолда, бир неча нуқтаи назарлар (замон, макон, миллий менталитет каби ички ва ташқи таъсир омиллари)ни инobatга олади.

В.Г.Белинский эътироф этгани ва таъкидлаганидек, “Тил ўз ҳолича, фақат восита бўлувчи материалдир” [11, 27]. Зеро, тил нарса ва ҳодисалар, улар ҳақида хилма-хил ҳамда мураккаб

## ТИЛШУНОСЛИК

тушунчалар, уларнинг қирраларини асосий белги-хусусиятларига таянган ҳолда умумлаштириб ва яккалаб номлайди. Нарса ва ҳодисаларни, объектив оламдаги барча мавжуд борлиқни умумлаштириб номлаш инсон тафаккури ва тилининг улуғ мўъжизасидир. “Аммо жамиятнинг кундалик мулоқоти, лисоний ҳаёти учун зарур бўлган иккинчи бир эҳтиёж ҳам бор. Бу объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, тирик мавжудотларнинг ҳар бирини алоҳида, яккалаб, доналаб номлашдир” [12,8]. Айнан мана шу яккалаб номлаш шарофати туфайли “конкрет бир халқ ёки миллат тили икки хил ижтимоий функцияни бажаради: бир томондан, жамоа аъзолари орасидаги ўзаро алоқа учун хизмат қилиб, уларни бирлаштиради”. Демак, у алоқа ҳамда бирлаштириш воситасидир. Иккинчи томондан, тил турли жамоаларнинг бири-биридан ажралиб туришларини таъминлайди. Масалан, тожиклар ўзбеклардан, қozoқлар қирғизлардан, корейслар японлардан, биринчи галда, ўз тилларининг ҳар хил бўлиши туфайли ажралади. Демак, бу маънода тил ажратиш қуролидир” [12,147].

Антропонимлар дискурс релеванти сифатида бирлаштириш ва ажратиш(фарқлаш)лик функциясини ҳам бажаради. Масалан, бирор нотаниш киши сизга исмингиз (фамилия ёки отангизнинг исми) орқали мурожаат қилса, бирдан ўртадаги бегоналик маълум маънода ортга чекинади. Яъни, сиз мурожаат қилувчига худди эски танишга қарагандек юзланасиз. Антропонимларнинг айнан мана шундай хусусияти мавжудлигини америкалик машҳур социолог олим Дейл Карнеги бир қатор асарларида қайта-қайта таъкидлайди. Жумладан, дунёнинг бир неча тилларида кўплаб нусхада нашр этилган “Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин?” номли асарининг “Агар буни билмасангиз, сизни кўнгилсизликлар кутади”, деб номланган бобида бу мавзуга алоҳида тўхталади ва шундай хулосага келади: “Одамлар ўзларининг исмлари билан шундай ғурурланадиларки, уни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, умрбод қолдиришга интиладилар... Шундай

қилиб, агар сиз одамларга ёқмоқчи бўлсангиз, учинчи қоидага риоя қилинг. Эсда тутинг, одамларнинг исми – унинг учун ҳамма тилда энг ёқимли ва энг муҳим товуш ҳисобланади...” [13, 75-78].

Антропоним(исм)ларнинг бу каби бирлаштирувчилик хусусиятлари Турсуной Содиқованинг “Муроса илми” ҳамда Сиддиқ Мўминнинг “Мулоқот мезони” рисоаларида ҳам асосли фикрлар билдирилган [14, 15].

Жаҳонда ҳар бир ўлка, элат ва ҳатто ҳар бир минтақанинг тили, маданий ва ижтимоий тузуми билан уйғунлашган ҳолда ўзига хос исм қўйиш одати бор. Шунинг учун ҳам, ҳар бир миллатнинг тилидаги исмлар ўша миллат турмуш шароити, савияси, қайси бир этник гуруҳга мансублиги, шунингдек, уларнинг расм-русум ва анъаналарини ҳам акс эттиради. Киши номи муайян замон ва маконда ўз эгасининг тутган ўрнини ҳам белгилайди [16]. Масалан, буюк саркарда соҳибқирон Амир Темур Тарағай Кўрагоний бобокалонимизга Соҳибқирон ва Кўрагон номлари берилган. Соҳибқирон номи икки шарофатли сайёра – Зуҳро ва Муштарий самовий доирасида Тур (жадйи) буржида ўзаро яқинлашган вақтда туғилганлиги учун қўйилган. “Амир Темур Сароймулкхонимни ўз никоҳига киритгач, машҳур “Кўрагон” номини олишга мушарраф бўлади” дейилади. Кўрагон сўзи мўғул тилидан ўзбек тилига ўгирилса, “куёв” деган маънони англатади [17].

Кузатишларимиздан кўринадики, қадим замонлардан бери алломалар ва уламолар кишиларни хайрли ва қулай исм қўйишга тарғиб қилганлар. Хусусан, пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом бу ҳақда шундай деганлар: “отага фарзанд ҳақлари жумласидан булдурким, унга ёзишни ўргатиб, отини яхши сайласа ва балоғат чоғи уни уйлантирса...” Пайғамбаримиз яна бошқа бир жойда киши исмининг яхши ва чиройли бўлиши кераклигини таъкидлаб: “Менинг олдимга қосид юбормоқчи бўлсангиз, яхши суратли ва яхши исмли кишини юборинглар”, деган эканлар [18, 55].

Антропонимларнинг этномаданий майдони ҳақида сўз юритилганда,

Жуманиёз Шариповнинг “Хоразм” ва Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиялари қаҳрамонлари исмларини бир-бирига таққослаш ўринлидир. Чунки бу икки йирик асар республикамизнинг икки катта ҳудудида рўй берган воқеаларни ўз ичига қамраб олади. “Хоразм” асари қаҳрамонлари *Жумагул, Бекижон, Исфандиёрхон, Матчон тўра, Султонпошишо* кабиларнинг исмлари Хоразм воҳасига хос бўлса, “Уфқ” трилогиясидаги *Икромжон, Турсун, Жаннат хола, Низомжон* номлари Фарғона водийсида кенг тарқалган киши исмлари дур. Шунинг учун ҳам ҳар иккала трилогияда қаҳрамонлар исмларини бир-бири билан алмаштириб бўлмайдур. Мабодо шундай қилинган тақдирда бадий асарнинг ҳаётийлиги, қиммати йўқолади.

Йўлдош Сулаймон “Субҳидам” романининг тасвир объекти сифатида Қўқон ва унинг атроф қишлоқларини танлайди. Асарнинг бош қаҳрамонларидан бири Сарвинисо Қўқонда туғилиб катта бўлган. Унинг ота-боболари ҳам асли шу ерлик. Ёзувчи бу ҳақда адабий давраларда бўлиб ўтган суҳбатда Сарвинисога дастлаб (асар қўлёзмасида) *Жумагул* деб исм берганини, лекин бу исм Қўқон ҳудуди хотин-қизлари учун типик исм бўлмаганлиги сабабли, қаҳрамон исми

Сарвинисо билан алмаштирилганлигини айтади. Шунингдек, бу исм ёзувчи тасвирлаган қизнинг гўзаллигини, хушқомат, келишганлигини ҳам ифодалайди (мумтоз адабиётдаги сарв образини эсланг).

Антропонимларнинг этномаданий майдони ва уларнинг дискурс релеванти сифатида қўлланилиши қардош халқлар адабиётига мурожаат қилинганда, янада яққолроқ намоён бўлади. Жумладан, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Муратбай Низановнинг Фафур Шермуҳаммад томонидан ўзбек тилига ўгирилган “Охират уйқуси” романи воқеалари Қорақалпоғистон заминида рўй беради. Асар қаҳрамонлари бўлган *Утамурот, Ажимурот, Бозор кампир, Кенжагул, Энжим, Мембеткарим, Сағийда, Сирғагуллар*нинг исмларини эслашимиз биланоқ, қорақалпоқ замини, қорақалпоқ одамлари кўз олдимизда гавдаланади.

Келтирилган мисоллардан маълум бўладуки, адиб (адресант) ўз персонажларига исм танлар экан, у зийрак китобхон (адресат)ни бир зум ҳам хаёлидан қочирмайди – ўзи илгари сурмоқчи бўлган ғояни содда, тушунарли ва ишонарли тилда унга етказишга уринади. Бунда у, шубҳасиз, исмларнинг этномаданий майдонига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

#### Адабиётлар:

1. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – М., 2001. – № 1.
2. Кубрякова Е.С. О тексте и критериях его определения // Текст. Структура и семантика. . – Т.1. – М., 2001
3. Худойберганова Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. – Т.: Фан, 2013.
4. Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1978.
5. Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – Благовещенск: РИО.БГК им. И.А. Бодуэн де Куртенэ, 2000.
6. Раупова Л. Диалогик нутқнинг дискурсив талқини. – Т.: Фан, 2001.
7. Тоирова Г. Прагмалингвистика – Т., 2016.
8. Седов К.Ф. Дискурс и личность. – Москва, 2004.
9. Русча-ўзбекча луғат. – Т., Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1984.
10. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1969.
11. Белинский В.Г. Избр. соч., III том. – М., 1941.
12. Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 1972.
13. Карнеги Д. Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин. – Т.: Шарқ, 2010.
14. Содикова Т. Муроса илми. – Т.: Фафур Фулом номидаги матбаа ижодий уйи, 2016.
15. Сиддиқ Мўмин. Мулоқот мезони. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.
16. Ёрқин Муҳаммад Ҳалим. Отлар ва от қўйиш // Ўзбекистон адабиёт ва санъати. -1993 йил, 23 апрель.
17. Яхшибоев Я. Яна кўрагон ҳақида // Туркистон газетаси. -1992 йил, 5 февраль.
18. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. – Т., 1991.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)